

Зиммангиздаги ибодатларни мукаммал бажаринг



16:00 / 20.06.2019 4927

Ёш эр-хотин бир-бирини жуда яхши кўрар, тинч-осуда ҳаёт кечиришар эди. Уларнинг табиатлари бир-бирига тескари бўлиб, хотин серҳиссиёт, эр эса босиқ эди.

Кунларнинг бирида денгиз сафарига чиқишди. Кечаси бирданига кучли шамол қўзғалди. Тўлқинлардан кема даҳшатли чайқалар, одамлар кўрқувга тушиб бақира бошлашди. Бу аҳволни кўрган хотин қаттиқ саросимага тушди. Устига-устак, кема капитанининг «Бизни мўъжиза қутқара олади, холос, Аллоҳ таолога дуо қилинглар», дейишидан ваҳимасига ваҳима қўшилди.

Эр ҳар доимгидек хотиржам эди. Бундан хотиннинг жаҳли чиқиб, эрини совуққон ва бепарволикда айблади.

Шу пайт эр ёнидаги ханжарни олдида хотинининг кўксига тираб, жиддий ва кескин оҳангда деди: «Ханжарни суқиб олишимдан қўрқмайсанми?».

Хотин эрининг кўзига тик қаради: «Қўрқмайман!».

Эр: «Нега қўрқмайсан?».

Хотин: «Нега қўрқай? Ахир ханжар мени яхши кўрадиган кишининг қўлида турибди-ку».

Эр табассум қилди: «Балли! Мен ҳам бу даҳшатли тўфондан нима учун қўрқай! Ахир мени яхши кўрадиган Зотнинг қўлида-ку. Нима қилса ҳам У зотнинг тақдир қилганидан бошқаси бўлмайди», деди.

Хулоса

Ҳаёт тўфони сизга таҳдид қилса, қўрқманг! Аллоҳ сизни ўзингиздан ҳам яхшироқ билади.

Қўрқманг! Барча нарсанинг тизгини сизни яхши кўрадиган Зотнинг измидадир.

Баски, нима учун жонингизни қийнайверасиз? Зиммангиздаги ибодатларни мукамал бажаринг-да, қолганига Аллоҳ таолога таваккал қилинг, ташлаб қўймайди. Зеро, У сизни яхши кўради.

Islom.uz портали таҳририяти